

ISSN: 2181-9416



ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

ВЕСТНИК ЮРИСТА * LAWYER HERALD

ҲУҚУҚИЙ, ИЖТИМОИЙ, ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ



CYBERLENINKA

НАУЧНАЯ ЭЛЕКТРОННАЯ
БИБЛИОТЕКА
LIBRARY.RU

ISSN 2181-9416
Doi Journal 10.26739/2181-9416

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

1 СОН, 4 ЖИЛД

ВЕСТНИК ЮРИСТА

НОМЕР 1, ВЫПУСК 4

LAWYER HERALD

VOLUME 1, ISSUE 4



TOSHKENT-2024

Мундарижа

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ. МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ. МОЛИЯ ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ

1. АЗИЗОВ Бунёд Мавлонович

“МАЪМУРИЙ ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАР ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУН ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН
СОҲАЛАРНИ КЕНГАЙТИРИШ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ.....8

ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ. ОИЛА ҲУҚУҚИ. ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ

2. ШАДИЕВА Сайёра Арифовна, ЧЕРКАШИНА Ирина Александровна

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ ПРАВОВОГО РЕГУЛИРОВАНИЯ ДОЛЕВОГО ЖИЛИЩНОГО
СТРОИТЕЛЬСТВА В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН..... 16

3. РАХМОНКУЛОВА Нилуфар Ходжи-Акбаровна

ЧЕТ ЭЛ ЭЛЕМЕНТИ БИЛАН МУРАККАБЛАШГАН НИКОҲЛАРНИ ҚАЙД ЭТИШДА ШАХСИЙ
ҚОНУННИ ҚЎЛЛАШ ОҚИБАТЛАРИ..... 23

4. ИЛЬЯСОВ Улугбек Бахтиярович

ДВУСТОРОННИЕ ИНВЕСТИЦИОННЫЕ СОГЛАШЕНИЯ: СУЩНОСТЬ И РОЛЬ В
РЕГУЛИРОВАНИИ ИНВЕСТИЦИОННЫХ ОТНОШЕНИЙ 31

5. БОРОТОВ Алишер Хомидович

ХУСУСИЙ МУЛКНИНГ ҲУҚУҚ ВА КАФОЛАТЛАРИГА ДОИР АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР 42

МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ. ИЖТИМОЙ ТАЪМИНОТ ҲУҚУҚИ

6. АБДУЛЛАЕВА Дилфуза

МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИНИ ТАРТИБГА СОЛИШДА ТЎЛИҚСИЗ ИШ ВАҚТИ:
МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА..... 50

7. ХАМРАҚУЛОВ Шавкатжон Салимович

ИШ БЕРУВЧИНИНГ ФУҚАРОЛИК ЖАВОБГАРЛИГИНИ МАЖБУРИЙ СУҒУРТАЛАШ
ШАРТНОМАСИ БЎЙИЧА СУБРОГАЦИЯНИ ҚЎЛЛАШ МАСАЛАЛАРИ..... 58

ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ, ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ, КРИМИНОЛОГИЯ. ЖИНОЯТ-ИЖРОИЯ ҲУҚУҚИ

8. ПРИМОВ Обиджон Мусирманович

КОРРУПЦИЯ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШДА ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ
ВА ТЕРГОВ ОРГАНЛАРИНИНГ ҲАМКОРЛИГИ 66

9. ЭШНАЗАРОВ Меҳриддин Жўраевич

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР МАХСУС ПРОФИЛАКТИКАСИ
ЧОРА-ТАДБИРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ҚОНУНИЙ АСОСЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ..... 72

10. БАРАТОВА Дилноза Одилжон қизи

НОҚОНУНИЙ МИГРАЦИЯНИНГ ИЖТИМОЙ ХАВФЛИЛИГИ ВА УНИНГ УЧУН ЖИНОЙ
ЖАВОБГАРЛИКНИНГ ИЖТИМОЙ ЗАРУРАТИ 78

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИ. КРИМИНАЛИСТИКА, ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ҲУҚУҚ ВА СУД ЭКСПЕРТИЗАСИ

11. УМАРҲОНОВ Азизхон Шарипхонович

ҲИМОЯ ҚИЛИНАДИГАН ШАХСЛАРГА НИСБАТАН ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИ
ИШТИРОКЧИЛАРИНИНГ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИ ҚЎЛЛАШНИНГ
САБАБЛАРИ, АСОСЛАРИ ВА МЕЗОНЛАРИ..... 88

ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

12. РАҲМАНОВ Шухрат Наимович

МЕЖДУНАРОДНО-ПРАВОВЫЕ АСПЕКТЫ ОПРЕДЕЛЕНИЯ ПОНЯТИЯ
«МЕЖДУНАРОДНАЯ МИГРАЦИЯ»..... 95

13. ГАНИБАЕВА Шахноза

ПОВЕСТКА ДНЯ В ОБЛАСТИ УСТОЙЧИВОГО РАЗВИТИЯ НА ПЕРИОД ДО 2030 ГОДА:
НОВЫЕ ВЫЗОВЫ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ПРАВ И НАИЛУЧШИХ ИНТЕРЕСОВ ДЕТЕЙ В МИРЕ... 102

14. СОДИКОВ Акмал Шавкат ўғли

ИСЛОМ ҲУҚУҚИДА СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТГА БЎЛГАН МУНОСАБАТ..... 109

15. МИРУКТАМОВА Феруза Лутфуллаевна

ХОРИЖДАГИ ВАТАНДОШЛАР (ДИАСПОРА) БИЛАН АЛОҚАЛАРНИ ТАЪМИНЛАШ
ВА ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ДОИР ХАЛҚАРО ВА МИЛЛИЙ АМАЛИЁТ
ТАҲЛИЛИ 117

16. ШАРАПОВ Шухрат Шокирович

ТАЪЛИМ ОЛИШ ҲУҚУҚИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИ КАФОЛАТЛАЙДИГАН ГЛОБАЛ
КОНВЕНЦИОНАЛ АСОСЛАР 127

17. ГАФУРОВА Нозимахон Эльдаровна, ТОШМАТОВА Висолахон

МЕЖДУНАРОДНО-ПРАВОВОЕ РЕГУЛИРОВАНИЕ ПРАВ ПОЖИЛЫХ..... 135

18. ВАКНРАМОВА Mokhinur Bakhramovna

TRENDS IN THE DEVELOPMENT OF DIGITAL HUMAN RIGHTS 144

19. ТУРСУНОВ Ойбек Батырович

КЛАССИФИКАЦИЯ ИСТОЧНИКОВ МЕЖДУНАРОДНОГО ВОДНОГО ПРАВА 151

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

РАХМОНКУЛОВА Нилуфар Ходжи-Акбаровна
Тошкент давлат юридик университети
“Халқаро хусусий ҳуқуқ” кафедраси профессори,
юридик фанлар доктори, профессор

ЧЕТ ЭЛ ЭЛЕМЕНТИ БИЛАН МУРАККАБЛАШГАН НИКОҲЛАРНИ ҚАЙД ЭТИШДА ШАХСИЙ ҚОНУННИ ҚЎЛЛАШ ОҚИБАТЛАРИ

For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования): РАХМОНКУЛОВА Н.Х. Чет эл элементи билан мураккаблашган никоҳларни қайд этишда шахсий қонунни қўллаш оқибатлари // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 1 (2024) Б. 23-30

 1 (2024) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2024-1-4>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада чет эл элементи билан мураккаблашган никоҳ муносабатларига нисбатан қўлланувчи коллизион нормаларни такомиллаштириш ва эгилувчан, иккитомонлама коллизион нормаларни қўллаш оқибатида вужудга келувчи масалалар, хусусан, халқаро хусусий ҳуқуқнинг қайта ҳавола ва учинчи мамлакат ҳуқуқига ҳавола институти ва оммавий тартиб тўғрисидаги изоҳ институтларига мурожаат қилиш зарурати таҳлил қилинган. Таҳлиллар натижасида халқаро хусусий ҳуқуқ қонунчилигини такомиллаштириш жараёнида умумий қоидаларни қайта кўриб чиқишда, оилавий муносабатларни инобатга олиш зарурати масаласида хулоса ва таклифлар берилган.

Калит сўзлар: халқаро хусусий ҳуқуқ, халқаро оилавий муносабатлар, оммавий тартиб тўғрисидаги изоҳ, қарши томон ва учинчи мамлакат ҳуқуқига ҳавола.

RAKHMONKULOVA Nilufar

Professor at Tashkent State University of Law, Doctor of Law

CONSEQUENCES OF THE APPLICATION OF PERSONAL LAW IN THE REGISTRATION OF MARRIAGES COMPLICATED BY A FOREIGN ELEMENT¹

ANNOTATION

This article analyzes the need to improve the conflict of laws applicable to marital relations complicated by a foreign element and the issues arising from the application of flexible, bilateral conflict of law rules, in particular, the need to refer to the institution of re-reference of international private law and the reference to the law of a third country and the institution of public policy clause. As a result of the analysis, in the process of improving the legislation of international private law, conclusions and suggestions were given on the issue of the need to take family relations into account when revising the general rules.

¹ This research was supported by a Marie Curie Research and Innovation Staff Exchange scheme within the HORIZON-MSCA-2021-SE-01 Programme (Project 101086415 — CARSI)

Keywords: international private law, international family relations, public policy clause, re-reference and the reference to the law of a third country.

РАХМОНКУЛОВА Нилуфар Ходжи-Акбаровна

Профессор Ташкентского государственного юридического университета, доктор
юридических наук, профессор

ПОСЛЕДСТВИЯ ПРИМЕНЕНИЯ ЗАКОНА ПРИ РЕГИСТРАЦИИ БРАКОВ, ОСЛОЖНЕННЫХ ИНОСТРАННЫМ ЭЛЕМЕНТОМ

АННОТАЦИЯ

В статье анализируются необходимость совершенствования коллизионных норм, применимых к брачным отношениям, осложненным иностранным элементом, вопросы, возникающие при применении гибких, двусторонних коллизионных норм, в частности, надобность обращения институту обратной отсылки и отсылки к законодательству третьей страны, а также институту оговорок о публичном порядке международного частного права.

Ключевые слова: международное частное право, международные семейные отношения, оговорка о публичном порядке, обратная отсылка или отсылка к законодательству третьей страны.

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар иштирокида никоҳларни қайд этишда жисмоний шахснинг шахсий қонуни коллизион боғловчисидан фойдаланилиши натижасида мамлакатимиз ҳудудида чет эл ҳуқуқи нормаларини қўллаш жараёни юзага келади. Ҳар бир суверен давлатда чет эл ҳуқуқ нормасини қўллаш тартиби ва шартлари алоҳида тарзда белгилаб қўйилади, боиси айрим ҳолларда мазкур нормаларнинг қўлланилиши мавжуд ҳуқуқ-тартибот, маънавий-ахлоқий асосларга, миллий императив нормаларга зид келиши мумкин. Бу ҳолат, айниқса, турли мамлакатларда оила ва никоҳ қадриятлари тизими ўзгариб бораётган бир шароитда ўта долзарб аҳамият касб этади. Олдиндан қайд этиш лозимки, бугунги кунда амалдаги оила қонунчилигимиз икки томонлама коллизион боғловчиларни бевосита таъсири ўлароқ юзага келадиган бундай “чақирувларга” кўп жиҳатдан тайёр эмас. Шу туфайли, чет эл элементи билан мураккаблашган муносабатларни кўрсатиб ўтилган тарзда тартибга солинишида халқаро хусусий ҳуқуқнинг қуйидаги институтларига мурожаат этиш ва ушбу муносабатларни тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатида акс эттиришни талаб этади:

1. Қарши томон ва учинчи мамлакат ҳуқуқига ҳавола қилиш;
2. Оммавий тартиб тўғрисидаги изоҳ.

Чет эл элементи билан мураккаблашган никоҳларни қайд этишда шахсларнинг шахсий қонуни, яъни чет мамлакат қонунини қўллаш, ушбу мамлакат қонуни мазмунини аниқлаш вазифасини келтириб чиқаради.

Ваколатли шахс чет мамлакат қонун нормаларининг мазмунини аниқлашда уларнинг ушбу мамлакатда расмий шарҳланиши ва амалиётида қўлланишига мувофиқ аниқлаши зарур. Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 238-моддаси 1-қисмида ҳам ушбу ҳолат кўрсатилган. Унга кўра, “суд ёки фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органи ва бошқа органлар чет эл оила ҳуқуқининг нормаларини қўллашда мазкур нормаларнинг мазмунини уларнинг тегишли чет эл давлатида расмий шарҳланиши ва амалиётда қўлланилишига мувофиқ тарзда аниқлайди”.

Чет мамлакат қонуни мазмунини аниқлаш судлов мамлакатининг ўз мамлакати қонун нормалари мазмунини аниқлашдан айтарли фарқланади. Судлов мамлакатининг ўз мамлакати қонуни мазмунини аниқлаш “*iura novit curia*” – “суд ўз қонунларини ўзи

билади” тамойили асосида амалга оширилади. Чет мамлакат қонуни эса ўз-ўзидан судлов мамлакатада ҳеч қандай кучга эга бўлмайди ва у коллизия норманинг таъсири натижасида қўлланади. Ваколатли шахс, албатта, ҳар қайси чет мамлакат қонуни мазмунини била олмайди ва уларнинг мазмунини аниқлаштириши ҳам ваколатли шахс учун муайян қийинчиликлар туғдиради. Шу туфайли бу ишда унга тегишли органлар ва манфаатдор шахслар кўмаги талаб этилади.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексига биноан, “суд, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари ва бошқа органлар чет эл оила ҳуқуқи нормаларининг мазмунини аниқлаш мақсадида ёрдам ва тушунтириш олиш учун белгиланган тартибга риоя қилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа ваколатли органларига мурожаат қилишлари ёхуд экспертларни жалб этишлари мумкин.

Манфаатдор шахслар талаб ёки эътирозларини тасдиқлаш учун ўзлари асосланаётган чет эл оила ҳуқуқи нормаларининг мазмунини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим қилишга ва чет эл оила ҳуқуқи нормаларининг мазмунини аниқлаш мақсадида судга ва фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари ва ўзга органларга бошқа тарзда ёрдам беришга ҳақлидир” (ОК 238-модда 2, 3-қисм).

Бу масалада инглиз ҳуқуқи аниқроқ позицияни эгаллайди. Унга кўра, чет эл ҳуқуқи инглиз ҳуқуқига мос келади, деган презумпция мавжуд. Агарда тарафлар чет эл ҳуқуқи инглиз ҳуқуқидан фарқланишини билдирса, улар буни исботлаши талаб этилади. Шу аснода, чет эл ҳуқуқи мазмунини исботлаш тарафлар зиммасига юкланади ва бу ишнинг ҳар қандай фактик ҳолатидагидек амалга оширилади.

Инглиз доктринасига кўра, “судья томонидан қўлланадиган ягона қонун, иш кўриб чиқиётган жой қонуни (*lex fori*) ҳисобланади... Аммо ишда чет эл элементининг мавжудлигига кўра чет эл қонуни – эътиборга олиниши керак бўлган фактдир” [8, Б.24-25]. Демак, инглиз ҳуқуқига кўра суд фақатгина ўз қонунини қўллайди, аммо у чет мамлакат ҳуқуқи таъсири остида вужудга келган субъектив ҳуқуқларни тан олиши мумкин. Бунда чет эл ҳуқуқи ишда далил сифатида иштирок этиши мумкин бўлган бошқа фактик ҳолатлар қатори кўрилади.

АҚШ амалиёти ҳам инглиз ҳуқуқи каби чет эл ҳуқуқининг АҚШ ҳуқуқига мос келиши презумпциясидан келиб чиқади, аммо фақатгина “умумий ҳуқуқ” – *common law* ҳаракатда бўлган мамлакатлар қонунчилиги тўғрисида сўз борганда.

Францияда эса, тарафларнинг ўзи чет эл ҳуқуқи мазмунининг исботини тақдим этиши керак. Аммо бу исботларни суд томонидан текширилиши талаб этилади. Хусусан, Францияда чет эл ҳуқуқи мазмуни бўйича суд ва манфаатдор шахсларга зарур маслаҳатлар ва аниқликлар берувчи чет эл қонунчилиги Бюроси мавжуд [6, Б.54-55]. Шу каби ташкилотнинг мавжудлиги, назаримизда чет эл қонунчилиги нормалари мазмунини аниқлашни осонлаштиради. Чунки, бу ташкилот фақатгина шу фаолият билан шуғулланади ва ўз маълумотларининг тўғрилиги учун жавобгар ҳисобланади.

1968 йил Европа Иттифоқи бошчилигида чет эл қонунчилигига тегишли маълумот тўғрисида Европа конвенцияси тузилди. У чет эл ҳуқуқ нормалари мазмунини аниқлаш жараёнини осонлаштириш учун мўлжалланган махсус механизмни кўзда тутди. Ҳар бир аҳдлашувчи мамлакат ўзининг ҳудудида махсус орган (унинг мажбуриятлари мавжуд бўлган ҳар қандай ташкилотга юкланиши мумкин) ташкил қилади. Зарур пайтларда бир мамлакат судлари ўз мамлакатадаги махсус органлар орқали бошқа мамлакатларга унинг қонун нормалари тўғрисидаги маълумот учун мурожаат этадилар. Махсус орган жавобни ё ўзи беради, ёки сўровномани қўйилган саволларга жавоб беришга ваколатли бўлган бошқа расмий органга жўнатади [5, Б.170].

Ўзбекистон Республикаси оила қонунчилигига биноан, агарда ОКнинг 238-моддаси 2 ва 3-қисмларида кўзда тутилган чоралар амалга оширилишига қарамай, чет эл оила ҳуқуқи нормаларининг мазмуни аниқланмаган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари қўлланилади.

Чет эл оила ҳуқуқи нормалари мазмунини аниқлашда ваколатли шахс олдида келиб чиқадиган муаммо – бу чет эл қонунига ҳаволанинг чет мамлакатнинг моддий қонунчилигига ёки ҳуқуқ тизимига бўлган ҳавола сифатида қаралишидир. Бунда чет эл никоҳ-оила қонунчилиги нормалари мазмунини аниқлаётган ваколатли шахс олдида ушбу давлатнинг фақатгина моддий-ҳуқуқий нормаларини ўзими ёки коллизион нормалари билан биргаликда аниқлаш керакми? – деган савол келиб чиқади.

Бу институт қарши томон ёки учинчи мамлакат ҳуқуқига ҳавола қилиш деб номланиб, бир мамлакат ҳуқуқига ҳавола қилганда ушбу мамлакатнинг коллизион нормалари қайта биринчи мамлакат ҳуқуқини қўллашни белгиласа қарши томон (биринчи даражали *renvoi*), агарда бошқа бир мамлакат ҳуқуқини қўллашни белгиласа, учинчи мамлакат ҳуқуқига ҳавола қилиш (иккинчи даражали *renvoi*) деб номланади.

Қайта ҳавола муаммоси халқаро хусусий ҳуқуқ доктринасида XIX асрдан, 1878 йилда қайта ҳавола қўлланган Француз судининг қароридан кейин муҳокама қилина бошлади ҳамда жаҳон амалиётига ушбу муаммо французча “*renvoi*” ибораси билан кириб келди [5, Б.139].

Коллизион норма чет эл қонунини қўллашни белгилагани сабабли, амалиёт ҳам, назария ҳам, ушбу ҳуқуқ қандай ҳажмда қўлланилиши керак деган саволга жавоб беришига тўғри келади. Яъни, ушбу хорижий ҳуқуқ тартиботнинг фақатгина моддий-ҳуқуқий нормаларими ёки ушбу ҳуқуқ тартиботнинг тўлиқ ўзими, яъни коллизион нормалари билан биргаликда [4. Б.46]. Масалан, Ўзбекистон Республикаси фуқароси билан Ўзбекистонда доимий яшовчи Австралия фуқароси Ўзбекистонда никоҳдан ўтмоқчи дейлик. Австралия қонунчилиги бўйича шахснинг шахсий қонуни яшаш жой қонуни ҳисобланади. Демак, бу ҳолатда моддий-ҳуқуқий ёки коллизион нормага ҳавола қилиш керакми? – деган савол келиб чиқади.

Қайта ҳавола вужудга келишининг иккита сабаби бор:

биринчидан, коллизион ҳуқуқ миллий табиатга эга ва ҳар бир мамлакат ички ҳуқуқининг таркибий қисми бўлиб ҳисобланади; шу аснода қўлланилиши керак бўлган чет эл ҳуқуқи ушбу мамлакат коллизион нормаларини ҳам ўз ичига оладиган яхлит бир тизимни ўзида акс эттиради.

Иккинчи сабаб биринчисидан келиб чиқади: турли мамлакатлар коллизион нормалари бир турдаги хусусий ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишда қонунни танлаш масаласини турлича хал қиладилар [5, Б.688].

Турли мамлакатлар қонунчилиги қайта ҳаволани қабул қилиш масаласига турлича ёндашади. Масалан, Франция, Англия, Австрия, Испания, Бельгия, Япония, Швейцария, Венгрия, Польша ва бошқа мамлакатларда қарши томон ҳуқуқига ҳавола қилиш ҳамда чет мамлакат қонунчилиги коллизион нормаларини қўллашни у ёки бу шаклда йўл қўйишади. Ушбу мамлакатлар қонунчилигига кўра, коллизион тартибга солиш усули ғоясининг ўзи, ушбу ҳуқуқий муносабат кўпроқ яқин алоқада бўлган ҳуқуқ тизимини танлашдан иборат. Бундан ташқари, қайта ҳаволани қабул қилиш судлар томонидан чет мамлакат қонунчилиги асосида қарор қабул қилиш ҳолатларини қисқартиради. Бу эса, адлия идоралари ишини аҳамиятли тарзда енгиллаштиради.

Италия, Нидерландия, Дания, Швеция, Греция каби давлатлар эса, аксинча, қайта ҳавола ҳолатларига йўл қўймайдилар. Уларнинг нуқтаи назарига кўра, чет мамлакат қонунчилиги моддий нормаларини қўллаш масаласи судлов мамлакати қонунчилиги коллизион нормаси билан ҳал этиб бўлинган, шу сабабли бу масалани чет мамлакат коллизион нормаси асосида яна кўтаришнинг хожати йўқ.

Мазкур масала бўйича Бар ва Эннекцеруснинг фикрича, чет эл қонунига ҳавола қилиш ушбу ҳуқуқ тартиботнинг тўлиқ ўзига ҳавола қилишдай тушунилиши керак, моддий ва коллизион ҳуқуқни бир-биридан айириб бўлмайди: нормаларнинг ҳар икки категорияси бир бутунни ташкил қилади, чунки коллизион ҳуқуқ моддий ҳуқуқни фақатгина тўлдиради. Муаллифларнинг ушбу таъкидидан бу ҳолатда қарши томоннинг қайта ҳаволасини қабул қилиш керак, – деган фикр келиб чиқади.

Аммо агарда бир мамлакат ҳуқуқига ҳавола қилишни унинг тўлиқ ҳуқуқ тартибо-

тига, яъни моддий нормаларга ҳам, коллизион нормаларига ҳам ҳавола деб қабул қиладиган бўлсак, унда ушбу чет мамлакатнинг коллизион нормасидаги қайта ҳаволани бизнинг ҳам бутун ҳуқуқ тартиботимизга, яъни коллизион нормамаизни ҳам инобатга олинган ҳавола деб тушунишимиз керак. Кан бу ҳолатни “ойналар хонаси”, инглизлар эса лаун-теннис деб баҳолашади. Яъни, бу ҳолатда бир мамлакат бошқасига, у эса учинчисига, униси бошқасига ҳавола этса, А.Н.Макаров [4, Б.49] айтганидек “...сеҳрланган айлана – мантиқан ечими йўқ” ҳолат, Лунцнинг ибораси билан эса “ҳалқаро пинг-понг” [3, Б.299] юзага келади.

Аммо И.С.Перетерскийнинг фикрича, “...чет эл қонунчилиги ўзи тегишли масалани тартибга солишдан воз кечган жойда ушбу қонунчиликни қўллаш доирасини кенгайтиришга асос йўқ” [6, Б.51]. Андре Вейс ҳам “агар бизнинг коллизион норма ҳавола қилаётган чет эл қонунчилиги ўзи уни қўлланилишини хоҳламаётган бўлса, нимага биз бундай совғадан воз кечишимиз керак?” – деган фикр билдирган. Г.К.Дмитриеванинг фикрича, “агарда бизнинг коллизион норма чет эл қонунини танласа-ю, у эса қайта ҳавола қилса, бундай ҳаволани совға сифатида кўриш ва сўзсиз қабул қилиш керак. Бу билан суд чет эл ҳуқуқини қўллаш билан боғлиқ муаммолардан қутилади. Қайта ҳавола – бу чет эл ҳуқуқини қўллашни рад этиш учун юридик-техник имкониятдир. Учинчи мамлакат ҳуқуқига ҳавола қилиш эса бундай натижа бермайди, боз устига, ваколатли қонунни танлашжараёнини жиддий қийинлаштиради, шу туфайли унга мурожаат этмаган маъқул” [5, Б.139].

Ушбу муаллифларнинг фикрига қўшилган ҳолда, шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, чет эл қонуни ўзи ушбу муносабатни тартибга солишдан воз кечар экан, ушбу қонунни қўллашнинг ҳожати йўқ, чунки чет эл қонунига ҳавола этиш асосан ушбу муносабатнинг ҳар қайси мамлакатда ҳам тан олинишини таъминлаш мақсадида амалга оширилади. Ўзи мазкур муносабатни тартибга солишдан воз кечган мамлакат ҳуқуқи эса, мазкур ҳуқуқий муносабатнинг бошқа мамлакатда, ушбу мамлакат қонун нормаларида белгиланган шартлар асосида вужудга келган юридик аҳамиятини тан олади.

Учинчи мамлакат ҳуқуқига ҳавола этиш эса, кўп ҳолларда жиддий қийинчиликлар туғдиради ва Л.А.Лунцнинг ибораси билан айтганда, “ҳалқаро пинг-понг”ни юзага келтиради.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1161-моддасида “...чет эл ҳуқуқига ҳар қандай ҳавола этиш тегишли мамлакатнинг коллизион ҳуқуқига эмас, балки моддий ҳуқуқига ҳавола этиш деб қаралиши лозим...”, деб белгиланган. Аммо ушбу модданинг 2-қисмида “чет эл ҳуқуқи ушбу Кодекснинг 1168-моддасининг биринчи, учинчи ва бешинчи қисmlарига ... мувофиқ қўлланилган ҳолларда қарши томон сифатида Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқига ва учинчи мамлакат ҳуқуқига ҳавола этиш қабул қилинади”, деб белгиланган. Демак, шахснинг шахсий қонуни оилавий муносабатларда муҳим аҳамият касб этар экан, ушбу қоида чет эл элементи билан мураккаблашган оилавий муносабатларга ҳам тадбиқ этилиши мақсадга мувофиқдир.

Юқоридаги қарши томон ҳуқуқига ҳавола қилиш институтини таҳлил қилишга оид матнларда, муаллиф томонидан ушбу институтнинг “қайта ҳавола” ибораси билан аталганининг сабаби шундаки, гервоининг асосий мазмуни миллий қонунчиликдаги коллизион норма ҳавола қиладиган чет мамлакат қонунчилигининг қайта ҳаволасини қабул қилиш ёки қабул қилмаслик масаласини белгилашдан иборат. “Қарши томон ҳуқуқига ҳавола қилиш” ибораси назаримизда, ушбу институтнинг асл мазмунига аниқлик киритмайди. Рус адабиётларида ҳам ушбу институт “обратная отсылка” деб юритилади.

Ваколатли шахс томонидан чет эл оила ҳуқуқи моддий-ҳуқуқий нормаларининг мазмуни аниқлангандан кейин чет мамлакатлар никоҳ-оила қонунчилиги нормаларининг қай даражада тан олиниши тўғрисида савол келиб чиқади. Ҳавола қилинаётган ёки субъектив ҳуқуқ вужудга келган чет мамлакатнинг қонунчилик нормалари судлов мамлакатининг оммавий тартиб қоидаларини бузмаслиги керак. Шахсий қонун мезонидан фойдаланувчи мамлакатлар, шахснинг шахсий қонунини

қўллаш тартибини белгилаш билан бир қаторда, унинг қўлланилишини чекловчи ҳолатларни ҳам белгилайди. Бу вазифани аксарият мамлакатлар қонунчилигида “оммавий тартиб тўғрисидаги изоҳ” деб номланувчи халқаро хусусий ҳуқуқнинг муҳим институти бажаради.

Ушбу ибора биринчи марта Наполеон кодексига ишлатилган бўлиб, кодекснинг 6-моддасида “хусусий келишувлар йўли билан оммавий тартиб ва яхши феъл-атвор билан боғлиқ қонунларни бекор қилиб бўлмайди”, деб белгиланган эди. Демак, “оммавий тартиб” тушунчаси Францияда вужудга келган бўлиб, шу ернинг ўзида ушбу тушунчага ҳавола қилиш кенг тарқалган.

Аммо ушбу тушунчани акс эттирувчи нормаларда оммавий тартиб айнан қайси ҳолатларни ўз ичига олиши ҳақида аниқ қоида белгиланмаган. В.В.Кудашкин таъкидлаганидек, оммавий тартибнинг деярли барча тадқиқотчилар таъкидлаган муҳим хусусиятларидан бири – бу унинг ноаниқлигидир [2, Б.14]. Французларнинг ўзи бу тушунчани “қоронғу ва ноаниқ” деб ҳисоблашади.

В.М.Корецкийнинг ёзишича, “оммавий тартиб тўғрисидаги изоҳдан тез-тез фойдаланилишига қарамай, адабиётларда ва суд амалиётида ушбу изоҳга таъриф берилмайди. Тушунчанинг ноаниқ ва мужмаллигини тан олишади” [1, Б.101].

Нибуайенинг таъкидлашича, “техник тарафдан олдиндан оммавий тартиб аралашадиган ҳолатларни санаб ўтишнинг иложи йўқ. Чет эл қонуни оммавий тартибга алоқадор ёки алоқадор эмаслигини аниқлаш фақатгина судяга боғлиқ”. Унинг фикрича, “бугун оммавий тартиб бўлиб ҳисобланган ҳолат, бир неча йилдан кейин оммавий тартиб бўлмаслиги мумкин” [9, Б.104-106].

Аммо инглиз олимлари Д.Чешир ва П.Нортларнинг фикрича, ноаниқ шакллантирилган доктринанинг хатарли тарафи шундаки, унинг кенг изоҳланишида у билан ички нормаларнинг кўп қисми қамраб олиниши мумкин ва бу ҳолат халқаро хусусий ҳуқуқнинг асосий функциясини бузган ҳолда, *lex fori* нинг кенг кўламда қўлланилишига ҳаддан ташқари қулай баҳона бўлиб хизмат қилади [8, Б.157].

А.Н.Макаров ушбу фикрга қўшилган ҳолда, “ҳуқуқшунослик томонидан оммавий тартиб тушунчасини аниқлаш учун қилинган барча аҳамиятли ишларга қарамасдан, унинг умумий формулировкаси ҳаддан ташқари кенг изоҳни йўл қўйиши ва маълум чигал ишларга қўллашда аҳамиятли ноаниқлиги билан қийин аҳволга тушишини тан олишга тўғри келади” [3, Б.58], деб таъкидлайди.

Амалдаги Фуқаролик кодексининг 1164-моддасига биноан, “чет эл ҳуқуқини қўлланиш Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқ-тартибот асосларига (оммавий тартибга) зид келадиган ҳолларда чет эл ҳуқуқи қўлланилмайди. Бундай ҳолларда Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқи қўлланилади.

Тегишли чет эл давлатининг ҳуқуқий, сиёсий ёки иқтисодий тизими Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқий, сиёсий ёки иқтисодий тизимидан фарқланишигина чет эл ҳуқуқини қўллашни рад этиш учун асос бўлиши мумкин эмас”, деб белгиланган. Фикримизча, ушбу моддада оммавий тартиб тушунчасига умуман изоҳ берилмаган, балки ўзи ҳам изоҳ талаб қиладиган “ҳуқуқ-тартибот асослари” тушунчаси билан тахминий шакллантирилган.

Оила кодексига эса, ушбу институт умуман шакллантирилмаган. Бунинг сабаби Оила кодексига нормаларнинг территориал характерга эгаллигида ва фақатгина Ўзбекистон қонунчилигини қўллашга йўналтирилганлигидадир.

А.Н.Макаров оммавий тартиб тўғрисидаги изоҳ тушунчаси ноаниқлигини олдини олиш борасида, “чамаси, изоҳнинг ноаниқлигини, фақатгина чет эл моддий нормаларининг оммавий тартиб мулоҳазаларига кўра қўлланиши лозим бўлмаган ҳолатларни аниқ санаб ўтган ҳолда зарарсизлантириш мумкин: “яхши феъл-атвор”га ҳавола қилувчи умумий формуланинг ўрнига, умумий қоидага кўра қўлланиши лозим бўлган чет эл қонунини қўллаш лозим бўлмаган, истисно равишда судянинг ўз

мамлақати қонунини қўллашга йўл қўядиган ҳолатлар аниқ рўйхатини оламиз”, – деган фикр билдирган [4].

Б.Э.Нольденинг фикри ҳам шу фикрга яқин бўлиб, у шундай ёзган, *Ordre public*” қоидаларининг тушунарлилигига қарамай, уни коллизияларни тўғри бартараф қилиш нуқтаи назаридан жуда хатарли деб тан олмай бўлмайди. У шу қадар ноаниқки, мустаҳкамлик ва доимийлик шу қадар зарур бўлган жойларда судянинг ўзбошимчалигини қонунийлаштиради. “*Ordre public*” тўғрисидаги изоҳнинг зарарли оқибатларини бартараф этиш учун ягона восита, уни аниқ қилиб белгилаш ҳисобланади: чет эл қонунини қўллашни рад этиш қонунийлаштирилсин, аммо ушбу радият қайси ҳолатларда ўрин эгаллаши маълум бўлсин”.

А.Н.Макаров ва Б.Э.Нольделарнинг фикрига қўшилган ҳолда, шуни айтиш мумкинки, чет эл қонун нормаларини қўллаш қайси ҳолларда инкор этилиши мумкинлиги ҳолатларини қонунчиликда аниқ белгилаш, ваколатли шахс томонидан ўзбошимчаликка йўл қўйилиши ва *lex fori* фойдасига “*ordre public*”ни баҳона қилиб ишни ҳал этилиши, энг асосийси мужмалликни олдини олади. “Оқсоқ” никоҳ муносабатларини олдини олиш мақсадида, шахснинг шахсий қонунини инobatга олиш қоидаларини кирита туриб, яна қонунчиликни мужмал қоида билан тўлдириш, фикримизча, амалиётда айрим қийинчиликларга сабаб бўлади.

Оила-никоҳ муносабатларида чет эл қонунини қўллашни чекловчи ҳолатлар сифатида, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган аёл ва эркакнинг тенг ҳуқуқлилиги тамойили; фуқароларнинг ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар тенг ҳуқуқлилиги; ота-оналар ҳуқуқларининг ҳимоя қилиниши; оналик ва болаликнинг давлат томонидан муҳофаза қилиниши тамойилларини киритиш мумкин.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 16-моддасида белгиланган никоҳ тузишга монелик қилувчи ҳолатлар чет эл элементи билан мураккаблашган никоҳ муносабатларига ҳам тааллуқлидир. Булар:

- томонлардан бирининг бошқа қонуний никоҳда бўлиши;
- яқин қон-қариндошлик алоқалари;
- томонлардан бирининг руҳияти бузилиши сабабли суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилганлиги.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, чет эл оила ҳуқуқи нормаларини қўлловчи ҳуқуқ нормаларини қонунчилигимизга киритиш, яъни икки томонлама коллизион нормаларни қонунчиликда белгилаб қўйиш халқаро хусусий ҳуқуқнинг оммавий тартиб тўғрисидаги изоҳ, қарши томон ва учинчи мамлакат ҳуқуқига ҳавола қилиш каби институтларининг оила муносабатларга нисбатан ҳам қўлланилишини таъминлаш заруратини келтириб чиқаради. Ушбу институтлар уларнинг қонунчиликда қай даражада тўғри тартибга солинганлигига қараб, коллизион нормаларни қўллаш оқибатида келиб чиқадиган айрим муаммоли вазиятларни олдини олиш, тўғри ҳал қилишга ёрдам беради. Г.К.Дмитриеванинг таърифи билан айтганда, “Коллизион норма шундай шакллантирилганки, у дунёда мавжуд бўлган ҳар қандай мамлакатнинг қонунчилигини танлаши мумкин, шу туфайли ҳам бундай танловнинг барча оқибатларини олдиндан кўриб бўлмайди. Коллизион норма – бу ўзига хос мавҳумликка сакрашдир”. Дарҳақиқат, дунё мамлакатларининг никоҳ муносабатларини тартибга солувчи қонун нормалари диний-қадриятлар, урф-одатлар каби омиллар таъсири остида шунчалик бир-биридан кескин фарқ қиладики, биргина коллизион нормалар воситасида уларни тартибга солиш ва фақатгина коллизион нормаларгагина муружаат этишнинг иложи йўқ.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Корецкий В.М. Очерки англо-американской доктрины и практики международного частного права. –М.: 1948.
2. Кудашкин В.В. Актуальные вопросы международного частного права. –М.: Волтерс Клувер, 2004

3. Лунц Л.А. Курс международного частного права: В 3 т. –М.: Спарк, 2002.
4. Макаров А.Н. Основные начала международного частного права. –М.: 1924.
5. Международное частное право: учебник /Л.П.Ануфриева, К.А.Бекашев, Г.К.Дмитриева; Отв. ред. Г.К.Дмитриева. 2-е изд., перераб. и доп. –М.: Проспект, 2009.
6. Перетерский И.С., Крылов С.Б. Международное частное право. Изд. втор., испр. и доп. –М.: Гос. изд. юрид. лит., 1959.
7. Рахмонкулова Н. Х. Правовая природа международного частного права и его место в системе права. Государство и право. Москва. Выпуск №7, 2017.
8. Чешир Д., Норт П. Международное частное право. Вступ. Статья и перев. на русский язык с сокращ. Прогресс, 1982.
9. Niboyet, Repertoire de droit international. Т. X.